

ИШОНЧ



Ушбу сонда:

2
Президент ва халқ яқдил

3
Диққат, янгилик: «Ишонч» қабулхонаси

4
Жалолиддин Мангуберди

Ўзбекистон қасаба уюмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 йил 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

21 ноябрь, шанба 1998 йил №134(635)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилиш янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга оширилмайдиган текширишларда параллелчилик ва такоррлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг қорхоналар хўжалик фаолиятини асосий аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва барча текширишлари ўтказиш, қонда тарихасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда қатъи назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилга кўпи билан бир марта амалга оширилади;

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳақида тўлаб турадиган, бошқа норма ва қондаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қонда тарихасида, ҳар йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат кўзатилган жиноий иш бўйича тергов тартибда текширилади ва тафтиш қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика кенгаши маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинмайдиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текшириш ўтказиш мuddати 30 календар кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу мuddат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф-ҳаражатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, жумладан назорат тарихасидаги текширишлар ва тафтишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишда вақил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган тартиби ва у ҳақидаги Низом тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши назорат қилинган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва мuddатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқлари ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорага назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ўз тақлифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вақил қилинган вазирликлар ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 - сон Фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун ҳамда мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини девони ва Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат Махсус ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳи зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

- Ўзбекистон ёшларининг чет элларда ва аввало «Умид» жамғармасининг йўлланмаси бўйича таълим олиши умуман қандай ўтаётганлигини назорат қилиш;

- ёш мутахассисларнинг хориждаги ўқиши туғандан кейин уларнинг билимлари ҳамда салоҳиятидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ва бошқарув органларида самарали ва мақсадли фойдаланишни кўзда тутган ҳолда уларни тақсимлашни ташкил этиш;

- ёш мутахассислар хорижда таълим олиб қайтганларидан кейин уларнинг меҳнат фаолиятининг доимий мониторингини, муносиб меҳнат ҳақи ва касб-кор соҳасидаги ўсишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримов

Тошкент шаҳри, 1998 йил 18 ноябрь

мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек мубоил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жиний ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда мубоил текширишларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилди;

идоралар:

икки ҳафта мuddатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйилмайдиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйилмайдиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар.

Бир ой мuddатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйилмайдиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вақил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишлари ташкил қилишни тартибга солиш ва тақомиллаштириш тўғрисидаги қонуналар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг қонуний ҳаракатлари ҳусусида Ўзбекистон Республикаси кенгашининг тақдим қилинган хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш, қонда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта мuddатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва тақомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бундан айдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белги-

ланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқи муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳуқумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари бузилиши сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни туғатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелефрадио», оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қондаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунириб беришлар, шунингдек назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб беришлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ-2008-сон Фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 19 ноябрь

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Фарғонада Президентимиз Ислам Каримовнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йилги бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Н.Мўминов олиб борди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги Ш.Каримов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш давлат сийсати даражасига кўтарилганини таъкидладилар. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинганлиги бунинг яқол далилидир. Дастурда соғлиқни сақлаш хизматини замон талаблари асосида ташкил этиш, соҳада рақобатни шакллантириш, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари ишини тақомиллаштириш, бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга жиҳдий эътибор қаратилган. Йилгишда Дастури ҳаётига ички таъбиқ этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Р.КАМОЛОВ, Ўза мухбири.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6 йиллигига ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Мухбиримиз Қобилжон ШОКИРОВ турли соҳа кишиларига ана шу савол билан мурожаат қилди

Асомиддин АЛИЕВ - аспирант: —Ўзбекистон биринчи Конституциясини дунёнинг етакчи мутахассиси - экспертлари, етук олимлари инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қондаларига ҳамда БМТнинг ҳужжатларига жуда мос келади, деб хулоса қилишган.


Ойим НАРЗИЕВА - ўқитувчи: —Президентимиз Ислам Каримов Асосий Қонун - янги Конституцияни яратишда БМТ ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қондаларига қатъий амал қилинганлиги алоҳида таъкидлаган эдилар. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар АКШ, Япония, Канада, Олмония, Франция, Туркия ва бошқа давлатларнинг конституциялари тажрибаларидан ижодий фойдаланганлигини биланам. Уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш умумхалқ томонидан амалга оширилди.

Минавар САЪДИЕВА - уй бекаси: — Кўп болали онаман. Конституциямиз толе офтобидир. У фақат бугунги кунимизни эмас, эртанги кунимиз истикболни белгилаб берувчи, фарзандлар йўлини ёритувчи бамисоли бир маъқдир.

Бахшилла МАРДОНОВ - тадбиркор: — Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир.

Альфия НИЗОМИДДИНОВА - шифокор: — Амалдаги Қомусимиз реал ҳаётнинг мазмунидан олинган. Ундаги ҳар бир қонда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, келажаги ҳамда ҳуқуқ, эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Мираброр ТУРСУНОВ - муҳандис: — Конституциямизни давлатнинг паспорти десак муболага бўлмайди. Чунки бу давлатнинг асосий ҳужжатида республиканинг Ўзбекистон деб номланиши, ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга эканлиги, демократик тартибда бошқарилиши, ўз давлат чегараси ва ҳудудининг мавжудлиги шунингдек, давлат тили ўзбек тили эканлиги кўрсатилган.



Халқимизнинг ўтмишда нақадар юксак маданиятга эга бўлганлигини англаш учун унинг асрлар давомида яратган тарихий обидаларига бир назар солишнинг ўзи қифоя.

Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюмалари кенгаши, Енгил, мебель саноати, коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳамда Ёқилги-энергетика, геология, кимё саноати ходимлари қасаба уюмлари Марказий қўмиталари томонидан 1998 йил - Ойла йили» Давлат дастури қандай бажарилмоқда.

Мазкур қасаба уюми қўмиталари Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг «Ойла мафазаларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилмайдиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини ва мазкур қарор асосида Ўзбекистон қасаба уюмлари Федерацияси кенгашининг раёсат йилгишда тасдиқланган Дастурини бажариш ҳамда оиланинг жамиятдаги маъқени ошириш, ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб қувватлаш, меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини, талаба ёшларини соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар иккала тармоқ қасаба уюмлари Марказий қўмиталари қасаба уюмлари Федерацияси кенгашининг дастури асосида тегишли вазирликлар, органлар, жамғармалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда оила мафазаларини ҳимоя қилишга қаратилган уларнинг аниқ тадбирларини белгиланган.

Жумладан, ҳаётга янги қадам қўётган ёш оилаларга нидондан ўтишлари муносабати билан пул муқоболари тўлаш, фарзанд туғилганлиги муносабати билан қорхона маблағлари ҳисобидан қўшимча тарзда суюқни пули бериш, нафақага чиққанларга ишлаган йиллари учун ҳамда ёш болага қараш билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга қўшимча маблағ ажратиш, қорхона ишчиларининг оқватланганлигини бепул ёки имтиёзли ташкил этиш каби масалалар ҳал этиб келинмоқда.

Бунинг Тошкент шаҳридаги «Сувмаш», Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Чирчиқ-Электрхимё-саноати» бирлашмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар мисолида кўриш мумкин.

Қам таъминланган ва кўп болали оилаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақ-

Наманган вилоятини шу тармоқ қўмитаси томонидан «Энг намунали оила», «Намунали санаторий-профилакторий» каби кўрик танловлар, «Маънавият ва маърифат» кўрилари ва соатлари ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Меҳнатқашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида, айниқса оилавий кимё собақалар, спорт турлари бўйича спартакиадалар ўтказишда қўшимча энергетика, геология, кимё саноатига қарашли бир қатор қорхона, ташкилотларини

РАСМИЯТЧИЛИК ВА БИРЁҚЛАМАЛИК ПАНД БЕРДИ

да етарлича иш олиб борилмапти. Республикада шу йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнатқашларга оромгоҳларда дам олишлари учун бор йўғи 230 та йўлланма ажратилган ҳолос. Болаларни соғломлаштириш режаси ҳам бажарилмади. Тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш ёки ходимлар фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш борасида бирорта ҳам иш олиб берилмаган. Агросаноат мажмуи ходимлари Амударё тумани

ни қасаба уюмлари қўмитаси эса шу кунгача ҳатто оила йили дастурини ишлаб чиқмаган.

Республикада мавжуд бўлган клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланилаётгани деб бўлмади. Давлат муассасалари, автотранспорт ва йўл қурилиши, агросаноат мажмуи ходимлари тармоқ қасаба уюмларига қарашли қорхона, муассаса ташкилот ва хўжалиқларда оилавий кўрик-танловлар, учрашув, концертлар мунтазам ўтказилмапти. Йирик ҳисобланган қорхона, ташкилотларда эса «Маънавият ва маърифат» хоналари, бурчаклари ташкил этилмаган. Бошлангич қасаба уюми қўмитасининг бу борада ишлари назоратдан четда қолмоқда.

Енгил, маҳаллий мебель саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари, ёқилги энергетика, геология, кимё саноати ходимлари қасаба уюмлари Марказий қўмиталари ва уларнинг жойлардаги ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ҳам камчиликлардан холи эмас.

Ҳар иккала тармоқ қасаба

уюми Марказий қўмиталари ўзларининг Ойла йили Дастурларини қўйи таъминлотларга, ҳаттоки вилоят қасаба уюми қўмиталарига ўз вақтида юбормаганликлари сабабли қўйи бўйинларда ишлаб чиқилган дастурларда меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб қувватлаш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт масалалари етарлича ўз аксини топмаган.

Енгил, маҳаллий мебель саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш тармоғида маданият уйлари, саройлар, кўп болали ва қорхоналарда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишига қарамай, ақсарият қасаба уюми қўмиталарининг ўз режаларига «Ойлави сулолалар», «Энг намунали оила» кўрик танловлари, Ойлави бадиий хаваскорлик кўрикларини ўтказиш каби масалалар киритилмаган. Тармоқда спорт иншоотларини қуриш, уларни таъмирлаш, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш эътибор сўст.

Тошкент шаҳридаги йирик ҳисобланган «Тағза», «Тошкентлифт» трестлари, «Олдуз», «Қизил тон» ҳиссасдорлик жамиятларида кам таъминланган, кўп болали оилалар рўйхати умуман йўқ, уларнинг сонини ҳам аниқ эмас.

Юқорида қайд этилган бу каби камчилик ва нуқсонларни ёқилги энергетика, геология ва кимё саноат ходимлари тармоқ қорхоналарида ҳам ўчратиш мумкин.

Масалан, «Совластитал», «Ўзбекэнергогаз», «Ўзкимёлоғи», «Кимёавтоматика» қорхоналарида қасаба уюми қўмиталарининг Дастурларидан белгиланган тадбирлар савб бўлиб, уларда қасаба уюми қўмитасининг қўрилган олиб борадиган ишлари ёритилган ҳолос. Ойла йили дастурини бажариш масалалари бирор марта ҳам қўмита йилгишларида муҳокама этилмаган.

Ойлави маиший кимё заводи, «Қизил тепа геология» ва бир қатор фаолияти ўрганилган ташкилотларда белгиланган тадбирлар тўла бажарилмапти деб бўлмади.

«Ўзнергомасустьамир» қорхонасида имзолаган жамоат шартномаси умуман бажарилмаётганлиги сабабли қорхона

ҳодимлари 2-3 ойдан бери ойлик-маош ололмашптилар. Ёки бўлмас «Ўзкимёлоғи» илмий текшириш институтининг жамоат шартномасида ишлаб чиқаришдан олинган фойда ҳисобидан ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш учун қасаба уюмига 5 фоз микродола маблағ ажратиш бериш кўзда тутилган, бироқ йил бошидан бунён бирор сўм ҳам ажратилмаган.

Тармоқнинг ақсарият ташкилотлари тадбирларида Ойла мафазаларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, оила Кодексини ўрганиш, муҳокама ва тарғиб қилиш масалалари тўла ёритилмаган. Тошкент вилоятини «Электрхимёсаноати», Наманган электр тармоқлари қорхонасида кам таъминланган, кўп болали оилалар рўйхати мавжуд эмас. Қўпгина қорхоналарда маданий оқартов, маънавият ва маърифат ишлари сўст йўлга қўйилган, маънавият хоналари, Ойла йилга бағишланган кўргазмалар ташкил этилмаган, қасаба уюмларини ҳаётини кўп нусхали газета саҳифаларида етарлича ёритиб берилмапти.

Юқорида баён этилган камчилик ва нуқсонларнинг асосий сабабларидан бири, айрим қасаба уюми қўмиталари ва фаолларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла сезмасликлари, қолверса Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг беш йилгида бағишланган мажлисдаги «Ойлага эътиборимизни тўдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзолаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва эртанги истикболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эҳтилолнинг яхши тушунилиши ва англашиши маъқдир» деб айтган сўзларини тўла англаб етмаганликлари қўйиб қўйилди.

Ўзбекистон қасаба уюмларини Федерацияси кенгашининг яқинда бўлиб ўтган Раёсат йилгишда юқорида қайд этилган камчиликларга ўта талабчанлик билан баҳо берилади. Мўқим масалалар ишни намунали йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни омлаштиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланади.

Урология Маркази очилди

Фарғона тўқимачилик комбинати профилакторийси ўрнида вилоят урология маркази фаолият кўрсата бошлади. 110 ўринли бу даволаш масканни замонавий тиббий асбоб-ускуналар, малакали шифокорлар билан таъминланди. Янги марказ нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан келган беморларга ҳам тиббий хизмат кўрсатади. Урология маркази очилишида республика соғлиқни сақлаш вазирлиги Ш.Каримов, вилоят ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

Р.КАМОЛОВ, Ўза мухбири.

Т. Маҳкамов олган суратлар.

«Мақсадимиз аниқ - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўйбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш - бош вазифамиз. Бу жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши - асосий қоида».
Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ВА ХАЛҚ ЯҚДИД

ЮРАКДАГИ ТАПЛАР

«Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими?»

Мухтарам Президентимизнинг ана шу сўзлари ҳар бир раҳбарни ўзи билан ўзи очиқчасига гаплашиб олишига ундаб туради.

Араб ота ДЕҲҚОНОВ,
меҳнат фахрийси,
Куйи Чирчиқ тумани

Ҳаётимизга доғ бўлиб тушаётган чиркин иллатлар газаклаб кетишининг олди олинди. Яхшиямки, ҳаммаша халқни ўйлайдиган, унинг роҳат-фароғати, тинчлик-омонлигини ҳаётининг мазмуни деб билган Президентимиз бор!

Назира момо АМИР қизи,
Нукус.

Жаҳонда давлат ва халқ ҳаққига хиёнат қилишдан ортиқроқ гуноҳи азим йўқ.

Малика ЖАЛИЛОВА,
маданият ходимлари касаса уюшмаси марказий кўмитаси раиси.

Эл-юрт ишонган, эътиқод қўйган мансабдор шахсларнинг балоийи нафсга берилишлари даҳшат! Шуларни ўйлаб ҳеч ҳам тинчланолмайман.

Байрам МАТЖОНОВ,
маданият ходимлари касаса уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кўмитасининг раиси.



Йиллар, асрлар ўтса-да, ватандошларимиз барҳаёт сиймолар - Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийга ўрнатилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилар эканлар, бу бағоят улғу, савобли ишларни мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов амалга оширган, дея миннатдорчилик ила эслаб юрадилар.

ЮРТБОШИМИЗ ОАДИДА БҮРЧЛИМИЗ

Сарвар ЭРМАТОВ, талаба

Қадим Кубо тупроғида файз ва салобат касб этиб турган мухташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг улғувор ҳайкали халқимизнинг, биз ёшларнинг жаҳонни ҳайратга солган бобокалонларимизга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромнинг рамзидир. Не бахтки, улғу зотлар ёқиб кетган илм машаъли янгитдан порлай бошлади. Мухтарам Президентимиз ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улғуларимиз меросига муносиб бўлишларини давлат сиёсатининг устувор йўналишидир, дея бот-бот эслатиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда минглаб ўзбекистонлик йигит ва қизлар хориждаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиб, илмга чанқоқ, ақлзаковат эгаси эканликларини амалда исботламоқдалар.

Тошкент тиббиёт институти талабалари ҳам Президентимиз нутқлари, Фармонлари таъсирида яшамоқдалар. «Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман». Давлатимиз раҳбарининг бағоят қадрли бу сўзлари биз - ёшлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Талабчанликни ўзимиздан бошладик. Барчанинг диққат марказида бўлаётган вилоятлар сессиялари ҳужжатлари моҳиятини тарғиб қилиш ишига баҳоли қудрат хисса қўшяямиз. Яқинда курсдошимизнинг бахт кечасини ўтказдик. Тўй замонавий, камчиқим, бир умрга эсда қоладиган қилиб нишонланди. ЗАГС тадбири ҳам никоҳ кечасига уланди. Қудалар, келин-куёвлар келишиб «маслаҳат оши», «куёв оши», «чаллари» каби ортиқча даҳмазалардан воз кечдилар. Натижада тўйга ажратилган маблағнинг ярми сарфланибди...

Биз бундан буён ҳам халқимизга, ҳурматли Президентимизга садоқатимизни амалий фаолият орқали намойиш этаверамиз.

САХОВАТЛИ БОЙЛАР

Икром ШАХОББОЕВ,
фермер

«Қозғистон» фермер ҳўжаликлари уюшмасида кишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу шифо масканига келувчилар сони ортиб бормоқда. Бойси бу ерда шифобахш балчиқ билан даволаш яхши йўлга қўйилган.

Арсасойдаги бу ажойиб маскани бунёд этишда фермерлар фаол иштирок этишди. Саховатли бойлар биргалишиб тиббиёт маскани ҳисоб рақамига 2 миллион сўм пул кўчирдилар.

Ўзимча фикр қиламан: манманликка берилган, дабдабали тўйлар, маъракалар ўтказётган кимсалар ана шундай саховатпеша инсонлардан ўрнак олишса бўлмайдими?

Президентимизнинг тўйлар, оилавий тантаналар ва хотира маросимларини тартибга солиш тўғрисидаги фармонини маҳалламиз кишилари ҳам миннатдорчилик ила қарши олдилар. Таъбир жоиз бўлса, мазкур Фармон қора булутларни ёриб чиқиб, еру-кўк узра чарақлаган кўешни эслатади. Чинданам сўнгги вақтларда бебилиска пул топаётган баъзи кимсалар тўю-маъракаларни дабдабали ўтказиб, миллий расм-русумларимиз, анъаналаримизга пугур етказишдан ташқари ёшларимизнинг маънавий тарбиясини қашшоқлаштириб қўйишмоқда. Масалан, бирор бойвачанинг ночорроқ қўни-қўшиниси, қариндошларининг фарзандлари «нега менинг ота-онам шундай бўлолмайди», дея кўнгли ўқийди. Энг ёмони мурғак қалбларда ҳалолликка, чин инсоний фазилатларга шубҳалар пайдо бўлади. Нима қилиб бўлса ҳам бойлик орттириш иштиёқи туғилади. Дабдабали тўйларда ўқувчи билан ўқитувчи ёнма-ён ўтириб бирга ароқ ичиши, баъзи жойларда алла-маҳалгача тарақа-туруқларнинг давом этиши, пул сочишлар, таом устига таом тортиб исрофгарчилик қилишлар гуноҳи азимку.

Яна бир иллат: ЗАГСга хорижда

Зиёдулла ҒУЛОМОВ,
олим

чиқарилган ўнлаб машиналарнинг кулоқни қомагга келтирадиган сигналлари, магнитофондан тараляётган қўшиқлар фондаси остида боришлар ёшларда норозиллик кайфиятини кучайтирмоқда.

Ҳадиси шарифда манманлик завол эканлиги эътироф этилган. Тўғри, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бой-бадавлат кишилари кўпайди. Ниятимиз ҳеч ким асло кам бўлмасин. Фақат ақл билан, инсоф билан иш юритайлик. Давлатимиз бисёр бўлса, етим-есирларга, ногиронларга,

боқувчисини йўқотган кимсаларга ёрдам қўлини чўзайлик. Ота-боболаримиз йўлидан бориб йўллар, кўприклар, мактаблар қурилишига баҳоли қудрат хисса қўшайлик. Шу маънода Президентимиз Фармонининг баҳоси йўқ деб биланман. Шахсий фикрим шунки, дабдабазликка берилган кимсаларни жамоатчилик олдида изза қилиш керак. Ҳар бир тўю маърака маҳалла фаоллари назорати остида ўтказилса, шодиёналарда ижро этилаётган кўй-қўшиқларимиз ахлоқ-одоб доирасида бўлса қандай яхши. Умуман, Фармондан келиб чиқадиган муҳим вазифалар юзасидан тегшли тавсиялар ишлаб чиқилса айни муддао бўлур эди.

МАНМАНЛИК КУЛФАТ КЕЛТИРУР

МИЛЛИОНЛАРГА ТУШГАН «САВОБ»

Абдумажид ШУКУРОВ,
доцент

Ўзбекистон Президентининг шу йилнинг 28 октябрида қабул қилинган Фармони давлатимиз раҳбари томонидан меҳнаткаш халқ орзу-истакларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, аҳоли фикр-мулоҳазалари чуқур таҳлил қилиб чиқилганининг амалий исботидир. Фармон ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллар олдида ҳам масъулиятли вазифалар қўйди. Шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка барҳам бериш йўлида барча ерда изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни баён этсам.

Оддий фуқаро сифатида элга ош беришни тартибга солиш керак, деган фикрга тўлиқ қўшиламан. Масалан, «наҳорги ош» мезбонлар учун ҳам, тадбирга келувчилар учун ҳам кўп ноқулайликлар туғдиради. Буни ҳаммамиз яхши билсакда, шу пайтгача жим келдик. Ўзингиз ўйланг, эрталабки ош фуқароларга ҳам маънавий, ҳам моддий зиён келтирмоқда. Мўлжалланган ерга боришимиз учун тонг саҳарлаб туриш, оиладагиларнинг оромини бузиб, амал-тақал қилиб улов топишимиз керак. Ёгингарчилик давларида аҳвол яна ҳам мушкуллашади.

Масаланинг иккинчи томони: мансабдор шахслар мuddатдан аввал давлат транспортини ишга солиб, меҳнат қонунчилигини билди туриб бузадилар. Демак, эрталаб бешолтидан қанчадан-қанча машина йўлга тушади. Республика бўйича озмунча ёнигли кетмайди ахир. Демак, бевақт уюштирилган тадбир, кимларнингдир кўнглини олиб «савоб»га шерик бўлишлик давлатга қимматга тушмоқда. Бунча исрофгарчилик республика бюджетига, хазинамизга катта зарар етказадими?

Шу маънода Президентимизнинг Фармони вақтида эълон қилинди. У ҳаётимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда.

БНЗ КИММИЗ, ТОМИРКИМИЗ ҚАЕРДА?

Ўзбекистон тупроғи мўқаддас. Самарқанду Бухоро каби қадимий шаҳарлар заминиде табаррук зотларнинг, башариятни маърифатга, эзгуликка бошлаган буюк алломаларнинг муборак излари қолган. Ҳа, маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улғу-

улғу ишлари инсонларни эзгуликка, илмга, меҳр-оқибатга, ҳалолликка, Ватанга, халққа садоқат ила хизмат қилишга давъат этиб келмоқда.

Президентимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашлари сессияларидаги нутқларини ўқиб, таъсирчан сўзларини телевизор орқали тинглаб бағоят тўлқин-

бекларни осмон қадар улғуламоқда. Биз асрлар оша барҳаёт алломалар авлоди эканимиздан фахрланамиз. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, асарлари,

Нуриддин ОЧИЛДИЕВ,
меҳнат фахрийси

ландим. Ҳўш, бизга нима бўлди? Мўътабар зотлар авлодлари наотки чиркин одатлар қулига айланиб бораётган бўлсак. Қуни кеча 95 ёшли Довер бобо Деҳқонов ўринли гап айтдилар: халқдан оёғи узилган, манманликка, кибр-ҳавога берилган, пул-возлик қилиб одамлар газабини кўзгаётган кимсалар алломаларимиз руҳи покларига шак келтирмоқдалар. Тақлимимиз шунки, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний зиёратгоҳларига бош уриб ўзимиз билан ўзимиз гаплашиб олайлик.

Ҳар бир инсон эртами-кечми адолат қонунини олдида жавоб беради. Хур Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, худди шу адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий сессияларида сўзлаган нутқларини ўқиб, мушоҳада юритиб жуда эзилдим. Охиратдан кўркмаган, манмансираб дабдабозликка, сохта шухратга

берилган айрим амалдорлар халқимизни даргазаб қилди. Энг катта муаллим — ҳаёт қайта-қайта исботлаганки, қаерда ошаногоайнигарчилик, уругаймоғчилик илдиз отса, адолатга дарз кетади. Савол туғилади: хўш, юз тубан кетган, халқдан узоқлашган раҳбарлар қандай қилиб одамлар қувончу ташвишларига шерик бўла оладилар. Сиёсий маҳдудлик шу даражага бориб етганки, икки вилоятда шахсий садоқат кадрлар танлаш-

СИЁСИЙ МАҲДУДЛИК

да асосий мезонга қўл уришган. Бундайлар қачонгача халқимизнинг тантлиги, бағри кенлигидан фойдаланадилар?

Қуни кеча Музработдаги «Кўнғирот» ҳўжалиги шийпонидеги ўзаро фикр алмашувда деҳқонлар тўғри эътироф этишди: сунистеъмомликларга барҳам беришнинг энг муҳим йўлларидан бири ҳукумат қарорлари халқ томонидан изчил назорат қилинишини, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда фаол иштирокини таъминлашдир.

Мен оддий деҳқонман. Ўрнига қўйиб гапиришни қийиндир. Бироқ, бир нарсга аминманки, нопок ишларнинг асосий сабабларидан яна бири маънавият, таълим-тарбия соҳасидаги кемтикликдир. Шу боис ҳурматли Президентимизнинг «маънавий бойлик - моддий бойликдан минг бор устун» деган сўзлари қалбимиздан чуқур жой олди. Юртбошимиз нутқларида таъкидланган аччиқ, аммо адолатли гаплар барчамизнинг

кўзимизни очди, мудроқ қалбларни уйғотди. Ҳўжалигимизда мулк ўз эгасини топган. Демак, хусусий мулк устувор ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам давлат мулки ҳисобидан ўғрилиқ, талон-тарож қилиш каби жирканч ишларга йўл қўйилмайди. Истиқлол, иқтисодий ислоҳот бизга кенг имкониятлар яратди. Гап фақат омиликорлигимизда, виждон билан иш юритишда қолган.

Аҳмад РАҲМАТОВ,
пахтакор

Саҳифани тайёрловчи:
Мурис ҚАЙМОВ.

Азиз муштарийлар!

Демократик ҳуқуқий давлат куриш сари дадил одим ташланаётган мустақил Ўзбекистонимизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзлари Асосий Қонунимизда кафолатлаб берилган. Меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлар билан боғлиқ масалалар, адолатни тиклаш, имтиёзлардан унумли фойдаланишга оид саволларингизга махсус саҳифамизда тажрибали мутахассислар ёрдамида жавоб бериб келмоқдамиз.

Сўнги ойларида бизга мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада кўпайди. Шу муносабат билан газе-

тамизда «Ишонч» қабулхонаси»ни очишга қарор қилдик. Ҳар жума кунни соат ўндан ўн иккигача тахририятимизга телефон қилиб, Сизни ўйлантираётган ижтимоий, иқтисодий масалалар ва ҳақ-ҳуқуқларингиз билан боғлиқ барча саволларингизга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг етакчи ҳуқуқшунос мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ҳуқуқшунос-олимлардан жавоб олишингиз мумкин. Демак, ҳар жума телефонингизни кутамиз. Кўнгирик қилишнинг иложи бўлмаса хат орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

САВОЛЛАРИНГИЗГА



Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши Бош ҳуқуқий позирли Хамидулла ПРЕМКҮЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош позирли Карим МУХТОРОВлар

ЖАВОБ БERAДИЛАР



САВОЛ:

«Тоштекстмаш» заводига қарашли кутубхонада ишлайман. Ўғлим ҳам, келиним ҳам талаба. Яқинда неварали бўлдим. Келинимнинг ўқиши тўхтаб қолмаслиги учун унинг ўрнига неварамга қараб туришни маъқул топдим ва ишдан меҳнат таътили олдим. Бош ҳисобчимизнинг айтишига қараганда бундай шароитларда менга меҳнат таътили учун ҳеч қандай ҳақ тўланмас экан. Фақат иш стажим тўхтатилмаслигини айтишди. Менга талаба келинимнинг боласига қараганим учун қандай имтиёзлар бор?

Моҳтура Усмонова, Яккасарой тумани.

ЖАВОБ: Х.ПРЕМКҮЛОВ:

Ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлни ҳоҳишига кўра, унинг боласи икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришда таътил берилади, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлни ҳоҳишига кўра боласи уч ёшга тўлгунча қадар иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Бу таътиллardan боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришдаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки юқорида санаб ўтилган шахслар ўз ҳоҳишларига кўра, болани парваришда таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш бевручи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (бола икки ёшга тўлгунча қадар бериладиган нафақа) сақланиб қолади ва нафақанинг миқдорини ўзгартиришга олиб келилади.

Бу таътиллardan даври меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади. Лекин жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа қарал ҳужжатига ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, бундай таътиллardan вақти кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўйилмайди (Меҳнат Кодексининг 234-моддаси).

Гарчи Сиз юқоридаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлсангиз ҳам аввал меҳнат таътиллardan фойдаланишни лозим тоған кўринасиз. Бу ҳам Сизнинг ҳуқуқингиз бўлиб, Меҳнат Кодексининг 133-моддасига биноан бу даврга, яъни меҳнат таътили даврингизга, Сизга ўртача иш ҳақи тўланиши шарт.

Маълумот учун айтиш керакки, иш стажига борасида 1996 йил 1 апрелдан эътиборан «узлуксиз иш стажига» деган тушунча йўқ. Иш стажига билан боғлиқ бўлган барча масалалар умумий иш стажига боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

САВОЛ:

Мен иш фаолиятимни 1951-1957 йилларда бош пионер вожатийликдан бошлаганман. Ана шу давр педагогик иш стажига қирадим ёки умумий иш стажигами? Яна бир савол:

Пенсияга чиққан иш жойим яшайдиган уйимдан 10 километр узокликда жойлашган. Шунинг учун пенсия пулимни яқин бўлган почта орқали олишининг иложи борми?

Эшназар ТОШПҮЛАТОВ, Жаркўргон тумани

ЖАВОБ: Х.ПРЕМКҮЛОВ:

Амалдаги қондаги биноан пионер вожатий бўлиб ишлаган даврингиз педагогик стажга эмас, балки фақат умумий иш стажига қўйилади.

Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш ҳақидаги қондаларга (ижтимоий таъминот вазирлиги, Пенсия фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган, шунингдек Адлия вазирлигининг 198-рақам билан 1995 йил 20 декабрда рўйхатдан ўтказилган қондаларга) мувофиқ Сиз пенсиянгизни фақат асосий иш жойингиздан олишингиз мумкин.

САВОЛ:

Яқинда «Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекс тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди.

Мен бир катта корхонада машинист-секретар бўлиб ишлайман. Икки ва беш яшар фарзандларим бор. Уларни ёлғиз ўзим тарбия қиламан. Чунки собик умр йўлдошим бизни ташлаб бошқа турмуш қилиб кетган. Шу сабабли онамникида яшайман. Уй-ҳолим ҳам йўқ. Юқоридаги қарорда менинг ҳолатимдаги вазиятлар ҳисобга олингани, яъни мени ишдан қисқартиришлари мумкинми?

Анора ПҮЛАТОВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Х.ПРЕМКҮЛОВ:

Республикамизда бир-бирини такрорловчи, ўнлаб умуман ҳожати бўлмаган маъмурий-бошқарув аппаратларининг кўпайиб кетганига ва бошқа бир қатор сабабларга кўра 1998 йил 7 сентябрь кунини Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекс тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Меҳнат Кодексининг 237-моддасига биноан, уч ёшга тўлмаган фарзандингиз борлиги учун, Сизни маъмурий ташаббус билан, шу жумладан штатлар қисқариши муносабати билан ҳам ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

САВОЛ:

Меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари билан корхона, муассасаларни қим таъминлаш керак?

Ф.ХАЛИЛОВ, Тошкент вилоят шифохонаси

ЖАВОБ: К.МУХТОРОВ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 июлдаги 1995 йил 258-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги барча корхона, муассасаларни меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари билан таъминлайди. Демак, бу масала билан ҳар бир корхона, муассасанинг вакили шаҳар ва туманлардаги Меҳнат вазирлигига қаршили бўлган маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиши лозим. Шундан сўнг улардан ҳисоб рақами тўлов ҳужжати олиб, керакли бўлган миқдордаги меҳнат дафтарчаларини янги бланкалари учун пул ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, меҳнат дафтарчаси бўлмаган ходим ишга кириб беш кун ишлагандан сўнг

Меҳнат кодексининг 81-моддасига асосан унга меҳнат дафтарчаси очилиши шарт.

Меҳнат кодексининг 108-моддасига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини иш бевручи ходимга барча ёзувлар киритилган меҳнат дафтарчасини бериши зарур. Агар ишдан бўшаган ходимга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида қайтарилмаса, Меҳнат кодексининг 275-моддасига мувофиқ меҳнат дафтарчасини ушлаб турган барча кунлари учун ўртача иш ҳақи тўланади ва ходимга меҳнат дафтарчасини қайтарилган кун унинг ишдан бўшаган кунини деб ҳисобланади ва бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Бундай салбий оқибатларга йўл қўймаслик учун эса Меҳнат кодексига кўрсатилган меҳнат дафтарчаси ҳақидаги қондаларга риоя этилиш зарур.

САВОЛ:

Мен 11-ТошМИда жисмоний тарбия ва даволаш бўйича бир неча йилдан буён методист бўлиб ишлайман. Ходимлар янги форма-кийим кийишадди. Директоримиз менга ҳам шу формани кийишингиз керак дедим. Акс ҳолда мени ишдан бўшатмоқчи. Шу тўғрисида?

С.УНАЙБОВА, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: К.МУХТОРОВ:

Амалдаги қонунга асосан ҳар бир ходим ўз меҳнат вазифаларини виждонан, ҳалол бажариши, муассасада белгиланган меҳнат интизомига амал қилиши, иш бевручининг қонуний фармоишларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария талабларига риоя қилиши, иш бевручининг мол-мулкни авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички меҳнат тартиби қондаларида, муассасада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, яъни жамоа шартномасида, йўриқномада ва бошқаларда, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Бу қоида ва ҳужжатлар албатта ходимдан тилхат олиб (имзо чекириги) маълум қилиниши керак.

Агар қонуннинг бу талаблари иш бевручи томонидан тўлиқ бажарилган бўлса, лекин ходим томонидан бу меҳнат вазифалари узрли бўлмаган ҳолларда бажарилмаса, унга иш бевручи Меҳнат кодексининг 181, 182-моддаларига амал қилинган ҳолда интизомий жазо-хайфсан эълон қилиш, жарима солиш ва ниҳоят, меҳнат шартномасини бекор қилиш чораларини қўлиши мумкин. Иш бевручи томонидан бу кўрсатилган ҳужжатлар қабул қилинмаган ва ходим бу ҳужжатлар билан таништирилмаган бўлса, иш бевручи ходимга интизомий жазо чоралари қўйлашга ҳеч қандай асос йўқ. Жазо чоралари қўйланганида ҳам ваколатли органлар томонидан бу ноқонуний буйруқ бекор қилинади.

Республикамизда меҳнат шартини ноқулай, оғир ишларда, шунингдек, оғир ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади.

Бундан ташқари, аёллар учун мумкин бўлган меъёрдан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари маъқул эмас. Аёлларнинг ҳомилдорлиги ёки ёш боласига қарашиб сабаб қилиб ишга қабул қилмаслик, ишдан бўшатиш-жиноят ҳисобланади. Жиноят кодексининг 148-моддасида бундай ишлар учун жазо муҳлатлари қайд этилган.

Ҳомилдор аёллар учун тиббий ҳулоса асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш меъёрлари қайтарилиши, агар бунинг имкони бўлмаса, унинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ишга ўтказилиши зарур.

Мабодо, маъмурият томонидан ҳомилдор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирдан холи бўлган иш бериш масаласи бир неча кун, ҳафталаб ҳал бўлмаса, аёлни бошқа ишга ўтказунога қадар бекор юрган даври учун унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади. Икки ёшгача боласи бор аёллар ҳам худди ҳомилдор аёллар сингари тиббий ҳулосага асосан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ишга ўтказилиши лозим.

Қонунчиликда аёлларнинг туғиш, иш вақтидан ташқари дам олиш кунларидаги ишларга қабул қилишда ҳамда уларни хизмат сафарига юборишда чеклашлар кўрсатиб ўтилган.

Ҳомилдор аёлларни, агар унинг туғиш вақти тўлмаган шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бўлса, аёлларни ўз розилигини туғиш ва иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ҳам ваколатли органлар томонидан бу ноқонуний буйруқ жўнатишга асло йўл қўйилмайди.

Тўғиш вақтидан ташқари дам олиш кунларидаги ишларга қабул қилишда ҳамда уларни хизмат сафарига юборишда чеклашлар кўрсатиб ўтилган.

Тўғиш вақтидан ташқари дам олиш кунларидаги ишларга қабул қилишда ҳамда уларни хизмат сафарига юборишда чеклашлар кўрсатиб ўтилган.

Хозирги кунда мамлакат ижтимоий - иқтисодий тизимида иш билан банд бўлганларнинг туриш-туриши, руҳий кайфияти ва моддий манфаатдорликлари ранг-барангдир. Масалан, банк мутахассиси ёки дунёга донг кетган конструкторнинг оилалик. Бундай ҳолат кўмитаси, суғурта компаниялари, вазирликларда меҳнат қилаётганлар иш ўринларининг нисбатан барқарорлиги тўғрисида уларнинг руҳан тетик ҳис қилдилар. Уларда аввалдан белгиланган ички иш ҳақи, моддий ёрдам, касаллик варақасини топиширса шу асосда оладиган бадаллари нақд. Бирок мамлакатимизнинг буғунги иқтисодий ҳаётида анча фаол бўлган қолаверса ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жабҳасида муносиб улушини қўшиб қилаётган хусусий тадбиркорлар, яқка тартибда фаолият

сизнинг бошини қовуштирадди. Бошланишига иш яқин юришади-ю, маълум вақт ўтган шу атрофда ё ракобати пайдо бўлади ёки хомаё таъминоти узил-кесил тўхтади. Корхона ёпилади. Бундай ҳодисалар буғунги воқелигимизда ҳар ҳолда учраб турибди.

Талабамизга аъзо бўлган қариб 130 миң атрофидаги тадбиркорлардан буғунги кунда бор-йўри 53,9 фоиз ро-манна ишлаб турибди-дейди Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Пардаев. Корхоналар одатда, молиявий, иқтисодий таназзулга учраш оқибатида беқиллади. Лекин бу иқтисодий самарасизлик ижтимоий жабҳага қаттиқ зарба бераётди. Ходим ва мутахассислар, қўли гул уста ва шифокорлар янги иш жойлари қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Албатта, бу

тарчаси юришиб, иш стажини ҳисоблашга ва энг муҳими пировард натижада ижтимоий суғурта бўйича нафақалар олишга ҳаққидорлар. Бунинг учун фуқарога Пенсия жамғармасидан суғурта бадаллари тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Амалдаги энг ҳам иш ҳақи микдоридан оза бўлмаган қиймати ҳар ойда пенсия жамғармасининг туман ва шаҳар бўлимининг узлуксиз тўлаб бораган тадбиркорлар ижтимоий суғурта бўйича вақтинча меҳнатга лаяқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш, бола туғилганлик ҳамда дафн маросимлари бўйича нафақалар, қариганда пенсия олиш имкониятига эга бўлади.

Бу тадбиркор тадбиркорлик фаолиятига янада қўли сурат қўшади, албатта лекин мен яна юқоридаги мавзуга, меҳнаткашларнинг номидан суз олишга ваколатли бўлган жамоатчи овозига, аини вақтда касабая уюшма фаоллари овозига диққатни қаратмоқчи эдим. Тадбиркорнинг пенсия жамғармасида қайд этилиши, ижтимоий суғурта бадалларини олиш унинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилади холос. Бинобарин, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ушган яқилт кўчга эга бўлиши буғунги куннинг долзарб мавзуси бўлиб қолаётганини унутмаслик лозим. Маъзур масалаларни қандай баҳолаётганини билиш мақсадида Ўзбекистон қи-чиқ, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашига мурожаат эдим.

Меҳнаткашлар номидан улар ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқа оладиган ваколатли шахс энг қичик жамоада тузилиши мумкин, - дейди Марказий кенгаш раиси Ч.ШОДИЕВ. - Шу мақсадда аъзоларининг сафини ҳар бир тармоқда, ишчилар жамоасида кенгайтиришни мўлжаллашимиз. Бунинг учун маҳалла оқсоқоллар кенгаши, бозорларда ваколатли инсонлар бўлишни таъминлаш лозим. Бу борада Қоракалпоғистонда бошлаган тажрибамиз самарали бўлди. Хусусан, Хўжайли тумани бозорларда яқка тартибдаги тижоратчиларни уюшма ташкилотимизга жалб этишга киришдик.

«Тадбиркорлар касаба уюшмаси» Марказий Кенгаши бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш керакки, бу борада қилинган ишлар ҳали бир талай. Вазифаларимиздан энг асосийси яқка тартибда, жисмоний шахс сифатида меҳнат билан банд бўлган фуқароларимиз ўзларини яққаланган, аллақандай ёлғизликда ҳис қилмасинлар. Уларнинг иш-жойидаги руҳий-психологик муҳит бошқа турдаги мулкчилик корхоналариникидан кескин фарқ қилмаслиги даркор. Уз хонадонидан икки қадам нарида хусусан дўкон очиб, патент тўлаб, кассобчилик қилаётган тадбиркор эртанги кунга қатъий ишонч билан меҳнат қилса олам гўлистон.

Дарҳақиқат, маъсул мутахассис таъқидлаганидек бу қарор давлатимиз томонидан белгиланган бозор иқтисодиётига ўтишининг ижтимоий йўналтирилганлик таъмоийлига оғишмай жавоб беради. Ушбу ҳужжатга мувофиқ жисмоний шахс ҳисобланган тадбиркорлар ҳам, худди юридик шахс бўлган ҳамкасблари сингари касаллик варақаси олишга, меҳнат даф-

вақти ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига яраша ҳақ тўланади. 1996 йил 1-апрелдан амалга киритилган Меҳнат кодексига биноан ходим таътили олти ой ишлагандан сўнг, кейинги иш йилларида эса тасдиқланган жадал асосида берилади.

Лекин ҳомилдор аёлларга ва туққан аёлларга йиллик таътиллар тегишлича ҳомилдорлик ва туғишдан олдин ёки ундан кейин уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ишламаган бўлса ҳам тўлиқ берилади.

Ун икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча тўланади. Шу ҳатотикларга йўл қўйилмаслиги учун эслатиб ўтмоқчимиз:

Меҳнат қонунини талабларига мувофиқ иш бевручининг ташаббуси билан ҳомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишига асло йўл қўйилмайди (МКнинг 100-моддаси).

Корхона, муассаса тугатилган тақдирда бундай ходимлар билан фақат уларни ишга жойлаштириш шартини билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Бу талаблар вақтинча ишга қабул қилинган ҳомилдор ва уч ёшгача боласи бор аёлларга ҳам тааллуқлидир. Фақат уларнинг ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг ҳам иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат мuddатли меҳнат шартномаси тугаган кундан эътиборан уч ойдан ошмаслиги керак. Бунда ходимга уч ойдан сўнг ҳам ҳақ тўланмайди, лекин уни ишга жойлаштириш иши давом этверади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қаболатлар ва имтиёзлар онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга, шунингдек воғга етмаган болаларнинг вазийларига (ҳомилдорлик), шунингдек ота-она гаъмуўрлигиндан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бу-виға, буваға ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

Ҳомилдор аёлларга ва болали аёлларга қонун билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни бажариш ҳақида амалга ошириш ҳар бир иш бевручининг ва касабая уюшма кўмитасининг муқаддас бурчидир.

К. МУХТОРОВ, «Ишонч» қабулхонасида махсус мухбир Дилором АЛЛАКУЛОВА навбатчилик қилади.

ТАДБИРКОРНИ КИМ СУЯЙДИ?

кўрсатаётган жисмоний шахслар ҳам мавжудки, уларнинг руҳий кайфияти, ижтимоий иқтисодий манфаатлари, моддий таъминоти борасида қайғуришга тўри келади. Кунини тунга улаётган савдогарлар, патент олиб автомашинани, касаначиларнинг буғунги кунда аниқ иш соати, белгиланган меъёрий иш ҳажми мавжуд эмас. Аслида хусусий тадбиркорга бу меъёрлар ҳеч қим томонидан берилмайдиган. Вақоланки, хусусий тадбиркорлар ҳам дам олиш, соғлигини тиклаш, фарзандларини соғломлаштириш ҳуқуқларига эгадир. Бирок, ҳар қандай меҳнат рағбат топиши лозимлигини эслатиб турувчи ҳамкасбаси йўқлиги вақидан и мазкур тушунчалардан йироқда юради.

Хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган яна бошқа муаммо бор. Хусусан ҳисоб-китоб, бизнес режани аввалдан пухта тузиб ололмаган ёш менежер дейлик, стомсервис очиб, 4 - 5 нафар мутахас-

бозор иқтисодиёти келтириб чиқарадиган табиий жараён. Лекин, энг ачинарлиси ёпилаётган корхоналарда ишсиз қолганларга бадал тўлаш, моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш амалга оширилмайпти-да! Турғирогол, бу масалаларни «ёш менежер» олдига қўндаланг қўндаланг жамоатчилик овози, аниқроғи, касаба уюшма фаолининг овози етишмапти.

Тадбиркорлар, аиникса жисмоний шахс ҳисобланувчиларга кейинги йилларда бир қанча қулайликлар яратилди. Бу тоифадаги фуқароларимизнинг Давлат ижтимоий суғуртасига бўлган конституциявий ҳуқуқи рўбга чиқарилди. Хусусан шу йил 28 январда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор номиданоқ бу нарасага иқдор бўлиш мумкин: «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибини тасдиқлаш тўғрисида».

«Мазкур қарор яқка тартибда жисмоний шахс сифатида меҳнат қилиб оила тебратаетган, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондираётган минглаб ватандошларимиз учун ҳақиқий ижтимоий ҳимоя воситаси бўлди», - дейди Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси иқдорчи директорининг ўринбосари А. Нуритдинов. «Бу қарор билан тадбиркорларнинг меҳнат муносабатлари ҳам тартибга солинади».

Дарҳақиқат, маъсул мутахассис таъқидлаганидек бу қарор давлатимиз томонидан белгиланган бозор иқтисодиётига ўтишининг ижтимоий йўналтирилганлик таъмоийлига оғишмай жавоб беради. Ушбу ҳужжатга мувофиқ жисмоний шахс ҳисобланган тадбиркорлар ҳам, худди юридик шахс бўлган ҳамкасблари сингари касаллик варақаси олишга, меҳнат даф-

вақти ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига яраша ҳақ тўланади. 1996 йил 1-апрелдан амалга киритилган Меҳнат кодексига биноан ходим таътили олти ой ишлагандан сўнг, кейинги иш йилларида эса тасдиқланган жадал асосида берилади.

Лекин ҳомилдор аёлларга ва туққан аёлларга йиллик таътиллар тегишлича ҳомилдорлик ва туғишдан олдин ёки ундан кейин уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ишламаган бўлса ҳам тўлиқ берилади.

Ун икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча тўланади. Шу ҳатотикларга йўл қўйилмаслиги учун эслатиб ўтмоқчимиз:

Меҳнат қонунини талабларига мувофиқ иш бевручининг ташаббуси билан ҳомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишига асло йўл қўйилмайди (МКнинг 100-моддаси).

Корхона, муассаса тугатилган тақдирда бундай ходимлар билан фақат уларни ишга жойлаштириш шартини билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Бу талаблар вақтинча ишга қабул қилинган ҳомилдор ва уч ёшгача боласи бор аёлларга ҳам тааллуқлидир. Фақат уларнинг ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг ҳам иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат мuddатли меҳнат шартномаси тугаган кундан эътиборан уч ойдан ошмаслиги керак. Бунда ходимга уч ойдан сўнг ҳам ҳақ тўланмайди, лекин уни ишга жойлаштириш иши давом этверади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қаболатлар ва им

